

Гидравлик ҳисоб

Гидравлик ҳисоб БКнинг чизиқли схемаси белгиланган қисмлар бўйича бажарилади. Хар бир қисм учун уч қатордан ҳисоб олиб борилади, яъни нормал, минимал ва тезлашган сув сарфлари учун ҳисобланади. Ҳисоблар 7-жадвалда бажарилади.

1.7-жадвал. БК қисмлари бўйича гидравлик ҳисобни бажариш

БК қис мла ри	ПК	Сув сарфи тури	Q m^3/c	I	m	n	β	b м	h м	ω m^2	χ м	R м	C	\sqrt{I}	\sqrt{R}	$V_{\text{ўр}}$ м/с ХАТ	$V_{\text{чег}}$ м/с	$Q_{\text{хат}}$ m^3/c
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
I		Hop																
		Min																
		Тез																
II		Hop																
		Min																
		Тез																
III		Hop																
		Min																
		Тез																

Сув сарфлари (Q) 1.4-жадвалдан кўчириб ёзилади.

Ювилишга йўл қўйилган чегаравий нишаблик (I) 1.3-жадвалдан олинади.

Канал ўзанининг ғадир–будурлик коэффициенти (n) тупроқ ўзанидан ўтган бош каналлар учун $n = 0,02$ қабул қилинади.

Каналнинг қиялик коэффициенти (m) маълумотлардан қабул қилинади (1.8-жадвал).

1.8-жадвал. Каналнинг қиялик коэффициенти - m

Грунтларнинг тури	Каналдаги сув сарфлари, m^3/c			
	$Q \geq 10$		$Q = 2 - 10$	
	Ички	ташқи	ички	ташқи
Гилл, оғир ва ўрта қумоқ	1,25	1,00	1,0	1,0
Енгил қумоқ	1,50	1,25	1,25	1,0
Кумлоқ	1,75	1,50	1,50	1,25
Кум	2,25	2,00	2,0	1,25

Каналнинг мустаҳкамлик коэффициенти (β) С.А Гришкан формуласи ёрдамида аниқланади:

$$\beta = 3 * \sqrt[4]{Q_{HOP}} - m$$

Нормал сув сарфи β қиймат ва каналнинг қиялик коэффициенти бўйича В.Ф Поярков линейкасидан канал туби эни b топилади ва бутун сонга яхлитлаб қабул қилинади. Сўнгра ҳар бир сув сарфига тўғри келувчи β қийматлар аниқланади.

Күйидаги формула ёрдамида қисмнинг нормал, минимал ва тезлашган сув сарфларидағи сув чуқурликлари аниқланади.

$$h = \frac{b}{\beta} \quad \text{м}$$

Поярков линейкаси мавжуд бўлганда, каналдаги сув чуқурлиги С.А Гришкан формуласидан аниқланиши ҳам мумкин:

$$h = 0.85 * Q_{HOP}^{1/3} \quad \text{м}$$

у ҳолда, канал тубининг эни қўйидагича топилади: $b = \beta * h$

Каналнинг жонли кесим юзаси қўйидагича топилади:

$$\omega = (b + m \cdot h) \cdot h, \quad \text{м}^2$$

Каналнинг хўлланган периметри қўйидагича аниқланади.

$$\chi = b + 2 * h \sqrt{1 + m^2} \quad \text{м}$$

Гидравлик радиус қўйидагича аниқланади:

$$R = \frac{\omega}{\chi} \quad \text{м}$$

C – Шези коэффициенти, қўйидаги формуладан аниқланади:

$$C = \frac{1}{n} * R^{1/6}$$

бу ерда: n- канал ўзанинг ғадир- будирлик коэффициенти тупроқ ўзанли каналлар учун n = 0,02 қабул қилинади.

$V_{\text{ҮРТ}}$ – каналдаги сувнинг ўртача тезлиги қўйидагича аниқланади:

$$V_{\text{ҮРТ}} = C * \sqrt{R * I} \quad \text{м/с}$$

$V_{\text{Ч}}$ - ювилишга йўл қўйилган чегаравий нишаблик қўйидагича аниқланади:

$$V_{\text{Ч}} = V_{\text{Ж}} * R^{1/3} \quad \text{м/с}$$

Каналдаги ҳақиқий сув сарфи қўйидагича топилади:

$$Q_{\text{ХАТ}} = \omega * V_{\text{ҮРТ}} \quad \text{м}^3/\text{с}$$